

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
КАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

, 28 „ ИЮНЬ 2018 й. т. № 487

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг фаолиятини  
ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 12 февралдаги ПФ-5330-сон, “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон фармонларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3671-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони тавсифи ва гувоҳномаси 5, 5а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т.Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т.Юсупов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 28 июнданги  
487-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, хуқуqlари, жавобгарлигини, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисобот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва масъулиятини белгилайди.

2. Вазирлик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона сиёсатни амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (кейинги ўринларда Вазирлар Маҳкамаси деб аталади) бўйсунади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Вазирлик, унинг ташкилий тузилмасига кирадиган ҳудудий ва таркибий тузилмалар юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобваракларига, банк ҳисобрақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги банк ҳисобрақамларига эгадир.

6. Вазирликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,  
қисқартирилган – ҚҲВ;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Ministry of agriculture of the Republic of Uzbekistan,  
қисқартирилган – MA;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Министерство сельского хозяйства Республики Узбекистан,  
қисқартирилган – Минсельхоз.

7. Вазирликнинг жойлашган жойи (почта манзили): 100140, Тошкент вилояти,  
Кибрай тумани, Университет қўчаси, 2-уй.

## 2-боб. Вазирлик тузилмаси

8. Вазирлик тизимиға қўйидагилар киради:

Вазирлик марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Қувасой ш.) қишлоқ хўжалиги бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий бўлинмалар деб аталади);

Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази;

“АгроИнновация” давлат унитар корхонаси;

“Ўззооветтъминотхизмат” давлат унитар корхонаси;

“Қишлоқ хўжалигини стандартлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси;

“Маъмурий-хўжалик хизмати” давлат унитар корхонаси;

Мониторинг хизмати.

## 3-боб. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

### § 1. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

9. Кўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация қилишга, қишлоқ хўжалигига фан ва техника ютукларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илгор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёsatни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ошириш, бозор конъюнктураси бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий инвестициялар ва бегараз техник кўмак маблагларини (грантлар) жалб қилиш;

аҳолини йил давомида ва узлуксиз равишда барқарор нархларда таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рафбатлантиришни таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини ошириш, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор даражасини сақлаб қолишга йўналтирилган комплекс мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиши;

таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли асосда узвий интеграциялаштиришни, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

*а) қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация қилишга, қишлоқ хўжалигидаги фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илгор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга ошириш соҳасида:*

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тармок ва худудий дастурларни ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасида илмий-тадқиқот, лойиҳа-кидирув ва конструкторлик ишларининг асосий йўналишларини белгилашда иштирок этади;

боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик ва наслчилик ишларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг замонавий ресурс тежовчи агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишда иштирок этади;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш бўйича ихтисослашган хўжаликлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш, техника ва технологияларнинг замонавий турларини фаол жорий қилиш соҳасидаги вазифаларнинг инновацион илмий-техник ечимларини ишлаб чиқишига қаратилган давлат илмий-техник дастурларни шакллантиришда иштирок этади;

қишлоқ хўжалигини ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг илмий, ахборот ва консультатив таъминотини, илм-фан-техника ютуқларининг тарғиб ва жорий қилинишини ташкил этади;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ва молиявий-иктисодий фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига иқлим ўзгариши оқибатларининг таъсирини ижтимоий-иктисодий баҳолаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасига глобал иқлим ўзгариши ва Орол денгизи қуришининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чоралар ишлаб чиқиш ва қўллашда иштирок этади;

*б) Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:*

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли норматив-хукукий хужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қиласиди;

давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни ҳарид қилишида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов тузилмаларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштиради;

*в) рақобатбардоши маҳсулотларни ишлаб чиқариши орқали иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини ошириши, бозор конъюнктураси юзасидан чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиши, хорижий инвестициялар ва беғараз техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиши соҳасида:*

бозор конъюнктураси ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжини ўрганиш, аграр соҳа экспорт салоҳиятини янада ошириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини диверсификация қилишида иштирок этади;

ички ва ташки бозорлар конъюнктурасини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотлар олиб борилишини таъминлайди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги тизимини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириши рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

тарифлар юзасидан келишувлар, тармоқ ва жамоавий шартномаларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш бўйича ихтисослаштирилган миллий ва халқаро кўргазмаларни ташкил қилиш ва ўтказишида иштирок этади;

инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши, имтиёзли кредитлар ва техник кўмак маблағлари (грантлар) ажратилишини таъминлайди;

қишлоқ хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасига инвестициялар жалб қилишида иштирок этади;

ўз ваколатлари доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида ташкилотларнинг ташки иқтисодий фаолиятига кўмаклашади ҳамда унинг ахборот таъминотини амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

*г) аҳолини йил давомида ва узлуксиз равишда барқарор нархларда таъминлаши учун зарур бўлган ҳажсмда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришини ташкил этиши соҳасида:*

экин майдонларини мақбуллаштириш, шу жумладан пахта ва бошоқли дон экинлари майдонларини қисқартириш, улардан бўшаган майдонларга картопка, сабзавот, полиз, озука, дуккакли ва мойли экинларни жойлаштириш ҳамда интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш ҳажмларининг мақсадли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқади;

давлат ҳариди кўрсаткичларининг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда мева-сабзавот экинларини оқилона жойлаштириш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариши янада кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

ички истеъмол бозорини барқарор тўлдириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида қиши-баҳор мавсумига заҳира қилиш учун фермер ва дехқон хўжаликлари, агро фирмалардан янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узумни ҳарид қилиш бўйича талабни чуқур ўрганади;

қиши-баҳор мавсуми учун заҳира қилинган мева-сабзавот, картошка, полиз ва узумнинг талаб даражасида сақланиши, сақлаш даврида йўқотилишини қисқартириш чораларини амалга оширишда, маҳсулотлар ҳарид қилиш ва етказиб беришда замонавий логистика тизими кенг жорий қилинишини ташкил этади;

мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз ва узумни сотиш бўйича республика шаҳарларида доимий асосда ихтисослаштирилган савдо ярмаркалари ўтказилишини ташкил этади;

мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун корхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, маҳсус сақлаш омборлари ва совутиш камераларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишларини ташкил этишга тўғридан-тўғри инвестицияларнинг кенг жалб қилинишини таъминлайди;

озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги хомашё ресурсларини кўпайтириш, республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш учун шароитлар яратишда иштирок этади;

олис ва бориш қийин туманларда истиқомат қилувчи аҳолини ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли ва узлуксиз таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

*д) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишилаш, давлат-хусусий шериклик механизmlарини тақомиллаштириши, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришида тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантиришини таъминлаш соҳасида:*

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишилаш, хом ашё базасини кенгайтириш, замонавий қайта ишилаш қувватларини яратиш ва қайта ишилаш жараёнига илғор технологияларни жорий қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

моддий-техник таъминот, сервис хизматлари кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишилаш соҳасида давлат-хусусий шериклик механизmlарини тақомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектларининг иштирокини рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқади;

фермер хўжаликлари, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишилаш, сақлаш ва сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва уларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

қишлоқ хұжалиги ва озиқ-овқат саноати тармоқларини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг келгуси йил ва узок муддатта мұлжалланган прогноз лойихаларини ишлаб чықади;

ваколатли идоралар билан ҳамкорликда аграр тадбиркорликни құллаб-күвватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалға оширади ва ажратилаёттан ресурслардан мақсадли фойдаланишини назорат қиласы;

*е) қишлоқ хұжалигини изчил ва барқарор ривожлантириши, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаши, қишлоқ ахолисининг бандлық даражасини ва даромадларини ошириши, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор даражасини сақлаб қолишига йұналтирилган комплекс мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқши соҳасида:*

таркибий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш, тармоқда ишлаб чиқариш муносабатларини ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

озиқ-овқат маҳсулотларини күпайтириш бўйича қишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қулай шароитлар яратишга қаратилған тадбирларни амалға оширади;

мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлар амалға оширилишини таъминлайди;

ахолининг бандлық даражасини ошириш ва янги иш жойларини, айниқса, қишлоқ жойларида яратиш тадбирлари амалға оширилишини назарда тутувчи давлат дастурларини рўёбга чиқаришда иштирок этади;

ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини сақлаб туриш бўйича таклифлар ишлаб чықади;

қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари, хомашё ва озиқ-овқатнинг айрим турлари бўйича талаб ва таклиф балансларининг прогнозларини ишлаб чиқишида иштирок этади;

қишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилма обьектларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича концепция, стратегия ва комплекс чоралар ҳамда норматив-хуқукий ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

қарздорликлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини чуқур таҳлил қилиш асосида қишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва инфратузилма обьектлари ўртасидаги ўзаро иктисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалға оширилишида иштирок этади;

қишлоқ хұжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига инфратузилма обьектлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чықади;

*ж) таълим, фан ва қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришини тизимили асосда узвий интеграциялаштириши, қишлоқ хұжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишини таъминлаш соҳасида:*

худудлар ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини комплекс ривожлантириш истиқболлари ҳамда амалга оширилаётган тармоқ ва худудий дастурлар доирасидаги эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, ўрта-маҳсус таълим муассасаларида таълим йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштирилишини назарда тутувчи ўрта-маҳсус маълумотли кадрлар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантиради;

агар соҳада замонавий ва илғор технологияларни кенг жорий қилиш ва фойдаланиш бўйича стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори малакали, талаб юқори бўлган кадрлар тайёрлашга кўмаклашади;

педагог кадрлар тайёрлаш, малака ва тажриба оширилишини ташкил этиш мақсадида хорижий етакчи ихтисослашган таълим муассасалари ва илмий марказлар билан шериклик муносабатларини ривожлантиришга доир таклифлар тайёрлайди;

кишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, шу жумладан фермер хўжаликлари раҳбарларини республика ва хорижий таълим муассасалари ва илмий муассасаларда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича доимий курсларни ташкил этади;

талабалар амалиётини ташкил этиш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш мақсадида тармоқ корхоналари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Вазирлик қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11. Вазирликнинг марказий аппарати, худудий ва таркибий тузилмаларининг функциялари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири (кейинги ўринларда вазир деб аталади) томонидан тасдикланадиган низомлар ва уставлар билан белгиланади.

#### **4-боб. Вазирлик ва унинг тузилмаларининг ҳуқуқлари ҳамда жавобгарлиги**

##### **§ 1. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

12. Вазирлик ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуидаги ҳуқукларга эгадир:

ўз ваколати доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;

Вазирликка юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи хокимият органларидан сўраш ва олиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик ахборотни давлат статистика органларидан бепул олиш;

Вазирлик ва унинг идоравий мансуб тузилмалари давлат мулкини бир бўлинмадан бошқасига ўрнатилган тартибда ўз ташкилий тузилмаси доирасида, бегараз фойдаланиш хукуки билан бериш;

Вазирлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотлари ходимларини қишлоқ хўжалигидаги фаолиятининг асосий кўрсаткичлари параметрларининг бажарилишини ҳисобга олган холда моддий рағбатлантириш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифларни қўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи хокимият органларига киритиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро хусусиятга эга халқаро шартномаларни тузиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалаш;

юклатилган вазифалар доирасида бевосита ёки вазирликнинг идоравий мансуб бўўлинмалари орқали хорижий тармоқ идоралари, илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида жорий ва стратегик вазифаларни ёритиш учун ўрнатилган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

биноларга хизмат кўрсатиш, жиҳоз ва ускуналар, автотранспорт, алоқа ва ҳисоблаш воситалари, компьютер ва оргтехника воситалари сақлаш ва ишлатиш бўйича ишларни бажариш, дастурий таъминотни сотиб олиш бўйича белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни хал этиш учун шартнома асосида маҳаллий ва хорижий илмий муассасалар, олим ва мутахассисларни жалб қилиш;

Вазирлик ва тизим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини қўриш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ Вазирлик ижтимоий инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш, Вазирлик тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва мукофотлашнинг ягона тизимини шакллантириш;

ўқув ва илмий-инновацион фаолиятида намуна кўрсатган бакалавр, магистр ва докторантлар учун Вазирлик стипендиясини таъсис этиш.

Вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий ва таркибий тузилмаларининг хукуклари, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Вазир томонидан тасдиқланадиган низомлар (уставлар) билан белгиланади.

14. Вазирлик:

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, шунингдек, тегишли соҳадаги (тармоқдаги) давлат сиёсатининг самарали амалга оширилиши;

ўз фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйруқлар амалга оширилишининг сифати ва пировард натижалари;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

## **§ 2. Вазирлик марказий аппаратининг жавобгарлиги**

### **15. Вазирликнинг марказий аппарати:**

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар билан биргаликда Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

Вазирлик фаолияти билан боғлиқ прогноз қўрсаткичларга эришишни таъминлаш бўйича Вазирлик марказий аппарати тузилмаларининг ишини ташкил этиш;

Вазирлик томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Вазирлик томонидан қабул қилинадиган буйруқларнинг тайёрланиши ва экспертизадан ўтказиш сифати;

ўз фаолият соҳасини ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар томонидан амалга оширилишини ташкил этиш учун жавоб беради.

## **§ 3. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари жавобгарлиги**

### **16. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари:**

ўзига юклangan вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз қўрсаткичларга эришишни таъминлаш;

Вазирлик, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифлар, шунингдек, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг амалга оширилиши сифати, пировард натижалари ва оқибатлари;

туманлар (Қувасой ш.) аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ўз фаолияти соҳасини ривожлантириш, муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл хариталари” ва бошқа дастурий ҳужжатларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда самарали амалга ошириш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний хуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ва уларга риоя этилиши учун жавоб беради.

## **5-боб. Вазирлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари**

17. Қуидагилар вазирнинг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Вазирлик фаолиятини умумий бошқариш, қонун хужжатларида Вазирликка юклатилган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чукур таҳлил қилиш;

Вазирлик, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари фаолияти билан боғлиқ бўлган прогноз кўрсаткичларига эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони хизматлари ва Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари ҳамда Вазирлик фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилиш, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ва унинг Раёсатида масалаларни кўриб чиқиша қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларини бажариш;

ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Вазирликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, Вазирлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий масъулияти даражасини белгилаш;

Вазирлик фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, Вазирлик ва ўз ўринбосарларининг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил этиш ва мониторингини олиб боришининг амалий тизимини яратиш, Вазирлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий ва худудий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Вазирлик ходимларини тизимли қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

Вазирлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Вазирликнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек Вазирликка ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионаллиги ва ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган чораларни амалга ошириш;

“Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Регламенти, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши ва ўз вақтида киритилишини ташкил этиш, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси аппаратида пухта ишланишида, Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятида ҳимоя қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида кўриб чиқилишида иштирок этиш;

“Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳасини тайёрлаш фаолиятининг Намунавий регламентига мувофиқ Вазирликнинг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолиятини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича буйруқлар қабул қилиш, зарур ҳолларда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда тегишли қарорларни қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Регламенти, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида белгиланган муддатларга мувофиқ Вазирликка тақдим қилинган таклифлар ва норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилиши, уларнинг пухта ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа турдаги экспертизасини ўтказилиши ҳамда келишилишини (визалаш) таъминлаш;

Вазирлик раҳбарлари ва ходимлари хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини тақомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлиш самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси ташрифларини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августандаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ўз ўринбосарлари ва худудий бўлинмалар, шунингдек, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари фаолияти самарадорлигини ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик ҳайъати мажлисларида уларнинг шахсий хисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

Вазирлик ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, ўзининг ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифларни киритиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида вазир томонидан тасдиқланадиган Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига Вазирлик ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

хуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

Вазирлик, унинг таркибий ва худудий бўлинмалари иш фаолиятининг замонавий шаклларини жорий этишни таъминлаш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда “ягона дарча” тамойилини жорий қилиш йўли билан давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддат ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулокотни йўлга қўйиш, шу жумладан жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини сайёр қабулларини ўтказиш бўйича самарали ишлар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилишни ташкил этиш, Вазирликнинг раҳбарлари ва ходимларини уларнинг фаолиятида фаол иштирок этишини, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

Вазирликнинг таркибий ва худудий бўлинмаларининг низомлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар уставларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

Вазирлик марказий аппарати ходимлари, таркибий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;

Вазирлик, худудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотлар мансабдор шахслари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва топшириқлар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини ўрнатилган тартибда назорат қилиш;

Вазирлик марказий аппарати, худудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотларнинг тасдиқланган тузилмалари ва штатлар жадвалига ходимларнинг чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш.

18. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринbosари ва ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари хисобланади:

Вазир вақтинча бўлмаганида тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва уларга бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Вазирлик фаолиятининг мутасаддилик қилинадиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Вазирлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар ижросини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, тузилмалар раҳбарларининг хисботларини мунтазам эшлиши ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларнинг чораклик режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий тузилмаларида ижро интизоми бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун таркибий тузилмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Вазирлик хайъати қарорлари, вазирнинг буйруқ ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш бўйича Вазирга таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, юксак даражадаги ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлишини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини кўриш, мутасаддилек қилинадиган таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий тузилмалар томонидан норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг мутасаддилек қилинадиган таркибий тузилмаларида тайёрланган хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар кейинчалик Вазир томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши), уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Регламенти, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равишда Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида Вазирнинг топшириғига биноан иштирок этиш;

Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни пухта хуқуқий, иқтисодий ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини тақомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам танқидий таҳлил қилиш, Вазирлик хайъати мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшлиши, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

кишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари бўйича Вазирлик фаолиятини тақомиллаштиришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш, қонун хужжатларини тақомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни Вазирга киритиш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича Вазирга таклиф киритиш, функционал вазифалар ва юкландиган вазифалар бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида Вазир

томонидан тасдиқланадиган Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан қайд қилинган Қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Вазирлик тизимида коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини қўриш, шунингдек, хукуқни кўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддат ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, шу жумладан жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини сайёр қабулларини ўтказиш бўйича самарали иш ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорликни, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган барча мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва маҳфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

19. Куйидагилар Вазирлик марказий аппарати таркибий тузилмалари раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

таркибий тузилмалар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, ушбу тузилмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

тегишли таркибий тузилмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ўз ваколатлари доирасида мувофиқлаштириш;

прогноз кўрсаткичлар ижросини тизимли таҳлил қилиш, таркибий ва ҳудудий бўлинмалар томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишини сўзсиз таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларини қўриш бўйича таклифларни Вазирнинг мутасадди ўринbosарларига (шу жумладан биринчи ўринbosарга) киритиш;

Вазирлик марказий аппарати таркибий тузилмаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топшириклари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек барча

даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий тузилмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир, унинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий тузилмаларнинг ҳар чораклик иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлаш, уларни тасдиқлаш учун киритиш, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий тузилмаларга юкланган вазифалар бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

Вазирлик таркибий тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирга киритиш;

таркибий тузилмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда Вазирнинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарларига таклифлар тақдим этиш, професионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, таркибий тузилмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари таркибий тузилмалар томонидан сифатли ишлаб чиқилишини ташкил этиш, Вазирликнинг таркибий тузилмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик Вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқиш, имзолаш (виза қўйиш) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3161-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Регламенти, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ равиша Вазирлар Маҳкамасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси аппаратида норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида Вазирлик раҳбарияти топшириғига биноан иштирок этиш;

Вазирликка тақдим этилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиш, уларни пухта хуқукий, иқтисодий ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикаси ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, сафар учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини таъминлаш;

таркибий тузилмалар ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш, йигилишларда уларнинг шахсий хисоботларини эшитиш, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида вазир томонидан тасдиқланадиган Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этиш, таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан қайд қилинган Қоидаларга риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ таркибий тузилмаларда коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек ҳукуқни кўллаш амалиётини ва қонун хужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

давлат хизматларининг самарадорлиги, сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш бўйича таклифларни Вазирлик раҳбариятига киритиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддат ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул қилиш, шу жумладан сайёр қабулларини тизимли ўтказиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган барча мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш.

20. Куйидагилар Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари хисобланади:

худудий бўлинма фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа қонун хужжатлари, шунингдек Вазирлик хужжатлари билан ушбу тузилмага юклangan вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

худудий бўлинма фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга эришишини сўзсиз таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

худудий бўлинма ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топширикларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши учун худудий бўлинма ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Вазирлик ҳайъати қарорлари, Вазир, унинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари буйруқлари ҳамда топшириқлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қарор ва фармойишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Вазирлик фаолияти соҳаси ва ваколатига кирадиган масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

ўз ўринbosарларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, худудий бўлинманинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, худудий бўлинма фаолиятининг алоҳида тармоқларига раҳбарлик қилиш учун ўз ўринbosарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

худудий бўлинма фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш, худудий бўлинма ва ўз ўринbosарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш;

худудий бўлинмада кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, худудий бўлинма кадрлар захирасини шакллантириш;

Вазир, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият номенклатурасига кирадиган бўш лавозимларга таклиф этилган кадрларнинг, шунингдек, худудий бўлинмага ишга қабул қилинаётган бошқа кадрларнинг профессионаллиги, ўз ишини билиши, амалий тажрибага, юксак даражада ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга эканлиги кафолатини таъминлаш;

худудий бўлинма ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, ўз ўринbosарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш, шу жумладан улар эгаллаб турган лавозимда қолиши мақсадга мувофиқлигига доир масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича мунтазам чора-тадбирлар кўриш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи 62-сон қарори билан тасдиқланган давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари асосида тасдиқланадиган Вазирлик ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига худудий бўлинма ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблариға мувофиқ ҳудудий бўлинмада коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ҳукуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шартшароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

прогноз кўрсаткичлар ижросини тизимли таҳлил қилиш, ҳудудий бўлинма томонидан прогноз кўрсаткичларга эришишни сўзсиз таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирларини кўриш бўйича таклифларни Вазирнинг мутасадди ўринbosарларига (шу жумладан биринчи ўринbosарга) киритиш;

ҳудудий бўлинма ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, йиғилишларда уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, уларнинг якунлари бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш;

ҳудудий бўлинмалар фаолиятига оид масалалар бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва улардан эркин фойдаланишни ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Вазирлик раҳбариятига киритиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддат ва тартибда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга кўйиш, жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул қилиш, шу жумладан сайёр қабулларини тизимли ўтказиш бўйича самарали иш ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904-сон Фармонига мувофиқ фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан келиб тушган барча мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

ҳудудий бўлинма ходимлари лавозим маошига мукофотлар, устамалар тўлаш, уларга моддий ёрдам бериш, уларни мукофотлаш, рағбатлантириш ва уларга интизомий чора қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни давлат мукофотлари ва идоравий мукофотлар билан тақдирлаш тўғрисида Вазирликка таклифлар киритиш;

давлат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш.

#### **6-боб. Вазир, вазирнинг биринчи ўринbosари ва ўринbosарлари, Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг жавобгарлиги**

21. Вазир:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси президентининг хужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда норматив-хуқуқий хужжатлар талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил қилиш, Вазирлик фаолиятини режалаштириш, шунингдек, унинг фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги соҳасига оид муаммоли масалаларни хал этиш бўйича дастурлар, чора-табирлар режалари, “йўл ҳариталари” ва бошқа дастурий хужжатларни самарали амалга ошириш;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, Вазирлик ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шароитларни яратиш, меҳнат интизоми, қонунчилик талабларини қўпол равишда бузган ходимларни интизомий ва бошқа жавобгарликка тортиш;

хорижий мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш, илғор тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий қилиш;

қишлоқ хўжалиги органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, фуқаролар қабулини тизимли ўtkазиш;

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## 22. Вазирнинг биринчи ўринbosари:

пахта ва техник экинлар, шунингдек, бошоқли дон, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш бўйича агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ўtkазилишини таъминлаш;

сувдан фойдаланиш соҳасида Сув хўжалиги вазирлиги билан вазирлик ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини ошириш ҳамда агрокимёвий тадбирларни амалга ошириш;

кишлоқ хўжалиги экинларини парваришлишнинг илғор агротехнологиялари, ресурс тежовчи ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш;

контрактация шартномаларининг тузилиши ва бажарилиши мониторингини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигига давлат ҳаридларини шакллантириш;

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган, мутасаддилик қилинадиган қисмида Вазирликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## 23. Вазирнинг ўринbosарлари:

боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, паррандачилик, наслчилик иши, асаларичилик, балиқчилик ва пиллачиликни ривожлантириш;

барқарор баҳоларда аҳолини йўл давомида ва узлуксиз таъминлаш учун зарур хажмларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат заҳираларини шакллантирилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг чуқур қайта ишланишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришини иқтисодий таҳлил қилиш, меъёрлар ва баҳоларни шакллантириш;

агар соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, агар тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклиги механизмларини такомиллаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги бозорлари конъюнктурасини ўрганиш бўйича чуқур маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ўрганиш, агар соҳа экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишни мониторинг қилиш;

қишлоқ хўжалигига инновациялар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш, тармоқ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ушбу Низомнинг 14-бандида назарда тутилган, мутасаддилик қилинадиган қисмида Вазирликнинг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

#### 24. Марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

тегишли таркибий бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган Вазирлик марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

#### 25. Вазирлик ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари:

ҳудудий бўлинмаларга юклangan вазифалар ва функцияларнинг амалга оширилиши;

ушбу Низомнинг 16-бандида назарда тутилган Вазирлик ҳудудий бўлинмаларининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

## 7-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

### 1-§. Вазирлик раҳбарияти

26. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир раҳбарлик қилади.

27. Вазир ўз мақомига қўра Вазирлар Маҳкамаси аъзоси ҳисобланади.

28. Вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан биринчи ўринбосари бўлади.

29. Вазир бўлмаган вақтда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотига мувофиқ унинг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

30. Марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари ходимлари, идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари мутасаддилик қиладиган вазир ўринбосари (шу жумладан биринчи ўринбосар) тақдимномаси бўйича Вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

31. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

32. Вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиқлари тегишли вилоятлар ҳокимлари билан келишилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

33. Туманлар (Қувасой ш.) қишлоқ хўжалиги бўлимлари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири билан келишилган ҳолда, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

34. Вазирликнинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари тўғрисидаги низомлар Вазир томонидан тасдиқланади, агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

### § 2. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг худудий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

35. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг унинг худудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

36. Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари Вазирликнинг худудий бўлинмалари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиб:

топшириқларни худудий бўлинмаларга ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Вазирликнинг худудий бўлинмаларига ва идоравий мансуб ташкилотларига таркибий бўлинмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолияти амалиётини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва қабул қиласди;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида хисобот ва ахборот материаллари, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларнинг ўрганилишини ташкил этади;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иш режаларини таҳлил қиласди, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чоралар кўради;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларидан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари иштирокини ташкил этади, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

37. Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари Вазирлик марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қиласди, шу жумладан:

Вазирлик раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида ахборот беради;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида марказий аппаратга ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида ишда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги хисоботларни белгиланган тартибда ва муддатларда Вазирликнинг марказий аппаратига тақдим этади;

худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш муаммолари, шу жумладан аҳолининг долзарб муаммоларини хал этишга қаратилган таклифларни Вазирлик марказий аппаратига тақдим этади;

комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида ахборот беради;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида маълумот беради.

38. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Вазирнинг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосарлари томонидан кўриб чиқиласди. Агар келишмовчиликлар бартараф этилмаса улар юзасидан қарор бевосита Вазир томонидан қабул қилинади.

### **§ 3 Вазирликнинг бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги**

39. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

40. Вазирликнинг худудий бўлинмалари ўз ваколати доирасида бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Вазирликнинг худудий бўлинмалари тегишли худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқишида ва амалга оширишда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро яқин ҳамкорлик қилади.

41. Вазирликнинг фаолиятига Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари комплекси раҳбари, Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг тегишли хизматлари томонидан мутасаддилик қилинади.

### **§ 4. Вазирликнинг ҳайъати, бошқа кенгаш, маслаҳат, эксперт органлари**

42. Вазирликда раҳбар, (ҳайъат раиси), унинг ўринbosарлари (лавозими бўйича), шунингдек, унинг фаолияти асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар раҳбарларидан иборат ҳайъат тузилади.

Ҳайъат таркибининг сони ва шахсий таркиби вазирнинг тақдимномасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

43. Ҳайъатга қўйидаги вазифалар юкланди:

Вазирлик фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонун хужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлик тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда, таркибий ва худудий бўлинмалар хамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳисботларини мунтазам равищда эшитилишини ташкил этиш;

Вазирлик фаолияти соҳасидаги худудий ва тармоқ дастурлари амалга оширилишининг натижадорлигини ҳар чорақда ва мунтазам кўриб чиқиш;

жойларда Вазирлик фаолияти соҳасидаги долзарб масалалар мухокама қилинишини таъминлаган ҳолда, ҳайъатнинг кенгайтирилган сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзага келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Вазирлик марказий аппарати ва унинг тизимиға кирадиган лавозимлар номенклатурасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Вазирлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириклари билан белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ва шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқишига ҳақлидир.

44. Ҳайъат мажлисига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари, уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

45. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

46. Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

47. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, вазир юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қиласи. Ҳайъат аъзолари ҳам Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ўз фикрини хабар қилиши мумкин.

48. Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламенти билан белгиланади.

49. Вазирликда кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари тузилиши мумкин.

50. Вазирлик хузурида тузиладиган кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар Вазир томонидан тасдиқланади, уларнинг таркиби ва низомлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тасдиқланадиган ҳоллар бундан мустасно.

### **8-боб. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари**

51. Вазирлик фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳоланади.

52. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш, Вазирлар Маҳкамасининг мутасаддилик қиласидаги комплекси раҳбари томонидан тасдиқланадиган Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари асосида амалга оширилади.

53. Вазирлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича:

Вазирлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Вазирлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

### **9-боб. Вазирликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

54. Вазирлик ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (Кувасой ш.)даги ҳудудий бўлинмаларини моддий-техник таъминлаш харажатларини

молиялаштириш, шунингдек уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг манбалари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

55. Вазирлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалардан ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат.

Вазирлик ходимлари лавозим маошларига ҳар ойда қўшиладиган рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган қўшимча ҳақлар ва устамалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибида кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ тўланади.

**10-боб. Вазирликнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматлари  
ва Вазирлар Маҳкамаси олдидаги ҳисобдорлиги**

56. Вазир ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли хизматларига ва Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда ҳисбот беради.

57. Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари комплекси раҳбари Вазирлик раҳбарларига юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича уларнинг фаолияти устидан мунтазам мониторинг олиб боради, Вазирлик фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

58. Мониторинг ва баҳолаш якунлари бўйича Вазирликнинг юкланган вазифаларни сидқидилдан ва ўз вақтида бажарган мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёхуд йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жавобгарликка тортилади.

**11-боб. Якунловчи қоида**

59. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 28 июнданги  
487-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги  
Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси  
маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва қуидаги мақсадларда ташкил қилинади:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда вазирлик деб аталади) ва унинг худудий бўлинмалари моддий-техника базасини ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасига инновацион технологияларни жорий қилиш;

Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Кувасой ш.) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш**

3. Жамғарма маблағлари қуидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

Вазирлик таркибига кирувчи ўзини ўзи молиялаштирадиган ташкилотлар соғ фойдасининг ўз ихтиёрида қолдириладиган қисмидан тузилган шартномалар асосидаги ажратмалари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тушумларнинг 0,2 фоизи миқдоридаги ажратмалар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро грантлар ва техник кўмак маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғармага келиб тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилигида очилган маҳсус ғазначилик ҳисобрақамида жамланади.

**3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш**

5. Жамғарма маблағларидан қуидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Қувасой ш.) қишлоқ хўжалиги бўлимлари моддий–техника базасини ривожлантириш, шу жумладан:

қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун техника ва технологиялар, экологик мониторинг тизими, ускуналар, компьютер дастурлари ва алоқа воситаларини ҳарид қилиш;

бошқа ҳаражатларга (бино, иситиш тизимини таъмирлаш, туташ худудни ободонлаштириш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш материалларини ҳарид қилиш ва бошк.);

лойиҳа-қидирав ишларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги объектлари, шу жумладан марказий аппарат бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, техник қайта жиҳозлаш;

б) қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасига инновацион технологияларни жорий қилиш, шу жумладан:

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда инновацион лойиҳалар ва замонавий технологияларни жорий қилишни рағбатлантириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ноширлик ва илмий-тадқиқот фаолиятини молиялаштириш;

илмий ишланмалар, инновацион лойиҳалар ва илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ихтиrolар яратиш ва илмий ишларни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти масалалари бўйича услубий кўрсатма ва мақолалар чоп этиш, илмий-амалий анжуманларни ташкил этиш ва ўтказиш;

худудий бўлинмалар ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шу жумладан хорижий таълим муассасаларида тажриба оширишини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасини ривожлантириш бўйича халқаро кўргазмалар, лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикасида бўлиш даврида хорижий ва халқаро ташкилотлар раҳбар ва мутахассисларини қабул қилиш ва уларга ҳамроҳлик қилиш, шунингдек, анжуманлар ташкил этиш ва ўтказиш;

в) ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, шу жумладан Марказий аппарат ходимларининг ойлик лавозим маошларига қўшимчалар (мукофотлар, моддий ёрдам, транспорт ва овқатланиш ҳаражатлари, хизмат муддати учун тўловлар) белгилаш йўли билан моддий рағбатлантириш ҳаражатларини, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Қувасой ш.) қишлоқ хўжалиги бўлимлари ходимларини сақлаш ва моддий рағбатлантириш ҳаражатларини қоплаш;

г) вазифалар бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликда назарда тутилган бошқа мақсадларга.

6. Жамғарма маблағларидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири (кейинги ўринларда Вазир деб аталади) томонидан ҳар йили тасдиқланадиган даромадлар ва ҳаражатлар сметасига (кейинги ўринларда смета деб аталади) мувофиқ фойдаланилади.

7. Жамғарма сметаси келгуси йил учун кутилаётган молиявий маблағлар тушуми прогнози ва тадбирларни амалга ошириш заруратидан келиб чиқкан ҳолда тузилади.

8. Вазирлик Марказий аппарати бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Қувасой ш.) қишлоқ хўжалиги бўлимлари даромадлар ва ҳаражатлар сметасига киритиш учун Жамғарма маблағларини ажратиш ҳақида буюртманома (кейинги ўринларда буюртманома деб аталади) беради.

9. Буюртманомада тадбирлар, уларни ўтказиш заруратининг асоси, зарур маблағлар миқдори кўрсатилади.

Келгуси молиявий йил учун буюртманомалар жорий йилнинг 1 июнига қадар Вазирликка тақдим қилинади.

Буюртманома ёзма ёки электрон шаклда тақдим қилинади.

Буюртманомада қуидагилар кўрсатилиши лозим:

ташкilotнинг тўлиқ номи ва аниқ манзили, банк реквизитлари;

тадбир (лойиха) номи;

лойихани амалга ошириш зарурати асосланган, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш (тўлиқ ёки қисман ва белгиланган муддатларда) имкониятлари, талаб этиладиган маблағлар миқдори, маблағлардан фойдаланиш мақсадлари, лойихани амалга ошириш учун маблағ мавжуд эмаслигининг асоси, шунингдек, кутилаётган натижалар баён этилган тушунтириш хати;

сўралаётган маблағлар ҳисоб–китоби (лойихани амалга ошириш учун фойдаланиладиган маблағлар калькуляцияси ёки лойихани амалга ошириш сметаси).

Зарур ҳолларда, буюртманомани асослайдиган тегишли ҳужжатлар, тадбирлар режаси ёки қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, ижтимоий–иктисодий ривожлантириш ва бўлинмаларнинг муаммоли масалаларини ҳал этиш бўйича дастурий ҳужжатлар буюртманомага илова қилинади.

10. Худудий бўлинмалардан келиб тушган буюртмаларни кўриб чиқиши, кутилаётган молиявий тушумлар ҳақида маълумотларни ўрганиш ва тегишли қарорларни қабул қилиш мақсадида Жамғарма Кенгаши тузилади. Жамғарма Кенгашининг шахсий таркиби Вазирлик томонидан шакллантирилади ва вазир томонидан тасдиқланади.

11. Буюртманомаларни қабул қилиш, умумлаштириш ва уларни Жамғарма Кенгашига тақдим этиш Вазирликнинг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси томонидан амалга оширилади, Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши бўйича доимий мониторинг эса иқтисодий ислоҳотлар масалалари бўйича вазир ўринбосари томонидан юритилади.

## 12. Жамғарма Кенгаши:

ушбу Низомда назарда тутилган мақсадлар учун Жамғарма маблағларининг ажратилиши ҳақида буюртманомаларни кўриб чиқади;

қабул қилинган буюртманомалар орасидан энг долзарб ва асосланганларини танлаб олади, уларни умумлаштиради ва маблағлар ажратилиши ҳақида қарор қабул қиласди;

ажратилган маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш холатлари аниқланганда молиялаштиришни тўхтатади ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармасига ажратилган маблағларни қайтариш ҳақида топшириқ беради;

маблағ олувчиларнинг маблағлардан фойдаланиш ва бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисботларини эшитади;

ўз ваколатига кирадиган бошқа масалалалар бўйича қарорлар қабул қиласди.

13. Келгуси йил учун тақдим қилинган буюртманомалар ҳар йили 1 июнга қадар Жамғарма Кенгаши томонидан кўриб чиқлади ва Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари белгиланади ҳамда улар асосида маблағлар ажратиш ҳақида қарор қабул қилинади.

14. Вазирлик тасдиқланган сметага асосан Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади.

## **4-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш учун ҳисобдорлик, назорат ва жавобгарлик**

15. Жамғарма маблағларидан оқилона ва қатъий мақсадларда фойдаланилиши юзасидан назорат қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Иқтисодий ислоҳотлар масалалари бўйича вазир ўринbosари, Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси бошлиғи – Вазирликнинг бош ҳисобчиси бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши, Жамғармага маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисида ҳисботларни тузилиши ва тақдим этилишига жавобгар ҳисобланади.

17. Жамғарма маблағларини олувчилар Жамғарма маблағларидан фойдаланиш ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисботларни Вазирликка тақдим этади.

18. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси бошлиғи – Вазирликнинг бош ҳисобчиси Жамғарма маблағларини олувчилардан маблағлардан фойдаланиш ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисботларни қабул қиласди ва улар Жамғарма Кенгашида этишитилганидан сўнг умумлаштиради.

Жамғарма даромадлари ва ҳаражатлари тўғрисидаги ҳисбот ҳар чоракда ҳисбот даври тугагандан сўнг 25 кундан кечикмасдан, йиллик ҳисботлар эса келгуси йилнинг 30 январидан кечикмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим қилинади.

## **5-боб. Яқунловчи қоида**

19. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбор шахслар, қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 28 июнданги  
487-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва  
унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий  
рағбатлантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

**2-боб. Ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш**

2. Ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш куйидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади:

а) бюджет маблағлари:

бир йилда икки ойлик иш ҳақи фонди миқдоридаги мукофотлар;

бир йилда бир ойлик иш ҳақи фонди миқдоридаги моддий ёрдам тўловлари;

қонунчиликда белгиланган миқдор ва тартибда давлат хизматчиларининг лавозим маошига меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти;

Махсус моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 15 фоиз миқдорида ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси, Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобига:

ходимнинг умумий иш стажи давомийлигидан келиб чиқиб, хизмат муддати учун лавозим маошига ҳар ойлик устамалар;

байрам саналарига мукофотлар;

хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажарганлик учун юқори малакали ходимларнинг лавозим маошларига устамалар;

ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг соғлигини тиклаш мақсадида тўланадиган моддий ёрдам;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳарид қилиш учун бир йилда бир маротаба тўланадиган моддий ёрдам.

### **3–боб. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар ходимларини рағбатлантириш микдорлари ва шартлари**

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида лавозимга тайинланган мансабдор шахсларнинг умумий иш стажи, хизмат муддати, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи ходимларнинг умумий иш стажи учун лавозим маошига ойлик устамалар штатлар жадвалига мувофиқ ҳар ойда қўйидаги микдорларда тўланади:

- 3 йилдан 5 йилгacha – 10 фоиз;
- 5 йилдан 10 йилгacha – 20 фоиз;
- 10 йилдан 20 йилгacha – 30 фоиз;
- 20 йилдан ортиқ – 40 фоиз;

4. Байрам саналарида – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни, Конституция куни, 8 март куни, Наврӯз, Янги йил, диний байрамларда (“Рўза ҳайит” (Ийд-ал-Фитр) ва “Курбон ҳайит” (Ийд-ал-Адха) ҳамда касб байрамида ходимлар ойлик лавозим маошининг бир баробари микдорида рағбатлантирилади.

5. Хизмат вазифаларини сидқидилдан ва самарали бажариб келаётган юқори малакали, ташаббускор марказий аппарат ходимларига лавозим маошининг 200 фоизи, худудий бўлинмалар ходимларига 100 фоизи микдоригача устамалар белгиланади. Устаманинг аниқ микдорини ташкилот раҳбари белгилайди.

6. Ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда (жамоа шартномасига мувофиқ) транспорт ҳаражатлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробаригача бўлган тўловлар ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида овқатланиш ҳаражатларини қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробаригача бўлган тўловлар амалга оширилади.

7. Заруратга кўра, касаба уюшмаси ташкилоти билан келишилган ҳолда ходимлар ва (ёки) уларнинг оила аъзоларига қўйидаги ҳолатларда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаригача бўлган микдорда моддий ёрдам тўлаб берилади:

ходим вафот этганда – бунда моддий ёрдам хотинига (эрига) тўлаб берилади, агар ходимнинг хотини (эри) бўлмаса, моддий ёрдам фарзандларига ёки қонуний вакилларига (vasiyllari ва xomiyllariiga) ёхуд уларнинг вояга етмаган фарзандларини асраб олган шахсларга тўлаб берилади, шунингдек, ходим турмуш курмаган бўлса, моддий ёрдам ота-онаси ёки бокимандалар ўртасида тенг улушларда тақсимланади;

турмуш курганда;

истисно тариқасида, ходим аризасини қаноатлантириш тўғрисидаги вазирнинг розилиги асосида қўйидаги ҳолатларда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаригача бўлган микдорда моддий ёрдам тўлаб берилади:

яқин қариндоши вафот этганда – вафоти тўғрисида гувоҳнома нусҳаси тақдим этилганда;

алоҳида заруратга кўра (бахтсиз ҳодиса, фалокат, узоқ муддатли касаллик сабабли даволаниш ва соғлигини тиклаш, оиланинг кам таъминланганлиги ва молиявий ҳолатининг оғирлиги).

8. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳарид қилиш учун ходимларга бир йилда бир маротаба энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробаригача бўлган миқдорда тўловлар амалга оширилади.

#### **4-боб. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимишинг ходимларини рағбатлантириш чораларини молиялаштириш**

9. Қуйидагилар ходимларни рағбатлантиришнинг молиявий манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Қувасой ш.) қишлоқ хўжалиги бўлимлари – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси ва бюджет маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибида кирувчи бюджет ташкилотлари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмалари – улар фаолияти натижалари бўйича олинган соғфойданинг бир қисми;

шунингдек, қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар.

10. Молиялаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланадиган ҳаражатлар сметаси, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромадлари ва ҳаражатлари сметасига мувофиқ тегишли миқдор ва манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

#### **5-боб. Якунловчи қоида**

11. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 28 июнданги  
487-сон қарорига  
4-илова

**“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси”  
кўкрак нишони тўғрисида  
НИЗОМ**

1. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони (кейинги ўринларда кўкрак нишони деб аталади) билан меҳнат тажрибаси ва касбий малакага эга, фаолиятида юқори натижаларга эришган ва соҳада фидокорона меҳнати билан намуна бўлган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, унинг худудий ва таркибий бўлинмалари раҳбар ва ходимлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органлари ходимлари мукофотланади.

2. Кўкрак нишони билан ушбу Низомнинг 1-бандида қайд қилинган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

3. Мукофотлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Мукофотлаш ушбу Низомнинг 1-бандида қайд қилинган ташкилотлар ва таркибий бўлинмалар раҳбарларининг тақдимномаси бўйича ҳар йили 5 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруғи билан амалга оширилади.

5. Кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисидаги буйруқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирилигининг расмий сайтида чоп этилади.

6. Кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини топшириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни арафасида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ёки унинг топшириғи ва унинг номидан масъул шахслар томонидан тантанали вазиятда амалга оширилади.

7. Кўкрак нишони кўкракнинг чап томонида давлат мукофотларидан қўйида тақилади.


8. Кўкрак нишони билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида бир йўла пул мукофоти оладилар.

Бир йўла пул мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

9. Айнан бир шахс кўкрак нишони билан, қоидага кўра, бир марта мукофотланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 28 июнданги  
487-сон қарорига  
5-илюва

## “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” қўкрак нишони ТАВСИФИ



“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” қўкрак нишони (кейинги ўринларда қўкрак нишони деб аталади) мис қотишмасидан тайёрланади ва 34 мм диаметрли айланга шаклига эга бўлади:

Кўкрак нишонининг олд қисмининг маркази бўйлаб пахта ва буғдой бошоқлари тасвири жойлаштирилган, улар айланана шаклидаги қишлоқ хўжалиги техникаси белгиси билан ўралган, айлананинг куйида дарё тасвирланган. Кўкрак нишонининг айланаси бўйича сирланган доирага яшил рангда ва бронза ҳошия билан ҳошияланган "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI FIDOYISI" ёзуви туширилган. Бронза рангидаги ҳарфлар баландлиги 2,3 мм ташкил этади. Куйи қисмида марказ бўйлаб бронза рангидаги саккизбурчакли юлдуз тасвири жойлаштирилган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида “SOHADAGI KO'R YILLIK FIDOKORONA MEHNATLARI UCHUN” ёзуви жойлаштирилган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги — 2,2 миллиметр.

Тасвир ва ёзувлар бўртиб чиққан.

Кўкрак нишони олд ва орқа томонларининг четлари ҳошияланган.


Кўкрак нишони илмоқча ва халқа ёрдамида тўғри тўртбурчакли қадағичга уланади.

Қадағич кенглиги — 26 миллиметр, баландлиги — 17 миллиметр. Қадағич тўқ яшил рангда. Қадағич маркази бўйлаб кенглиги 20 миллиметр, узунлиги 13 миллиметр, 6 та барг ва 5 та новдачадан иборат бронза рангидаги новда жойлаштирилган.

Қадағичнинг орқа томонида кўкрак нишонини кийимга маҳкамлаш учун тўғноғич шаклидаги мослама мавжуд.

Вазирлар Махкамасининг  
2018 йил 28 июнданги  
487-сон қарорига  
5а-илова

**“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси”  
кўкрак нишонига гувоҳнома  
ТАВСИФИ**



— sonli guvohnoma



O'zbekiston Respublikasi  
Qishloq xo'jaligi  
vazirining

20 \_\_ у. “\_\_” dagi  
—sonli buyrug'iga asosan

“O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
QISHLOQ XO'JALIGI FIDOYISI”  
ко'крак нишони билан мукофотланди.

VAZIR

(имя)

M.O.

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишонига гувоҳнома 240 г/м.кв қалинликдаги офсет қофозидан тайёрланган 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобчадан иборат.

Гувоҳноманинг олди томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) плёнка билан зичланган, яшил ранг фонига эга.

Гувоҳноманинг биринчи бети 7,5 миллиметр қалинликдаги ички бурчаклари юмалоқланган тўқ яшил рангдаги ҳошия билан ҳошияланган.

Гувоҳнома юкори қисмидан 35 миллиметр куйида марказ бўйлаб 3,5 миллиметр оралиқда уч қатор матн жойлаштирилган: биринчи қатори “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI”, иккинчиси – “QISHLOQ XO’JALIGI FIDOYISI”, учинчиси – “ko’krak nishoni” (шрифт “Times new Roman Bolt”, кегль 17). 6 миллиметр куйида — “GUVOHNOMASI” ёзуви (ёзувлар бош харфларда, шрифт “Times new Roman Bolt”, кегль 17) жойлаштирилган. Ёзувлар бронза рангида тайёрланган.

Гувоҳноманинг ички қисми (иккинчи ва учинчи бетлари) “Тангир” тасвири туширилган мовий осмон рангида тайёрланган ва офсет усулида босилган.

Гувоҳнома ички томонининг чап қисмida (иккинчи бет) марказ бўйлаб ўз катталигидаги кўкрак нишонининг рангли тасвири жойлаштирилган.

Гувоҳнома ички томонининг ўнг қисмida (учинчи бет) юкори четидан 8 миллиметр куйида марказ бўйлаб “\_\_\_\_-sonli guvohnoma” ёзуви жойлаштирилган (шрифт “Times new Roman Bolt”, кегль 10) (15 миллиметр узунликдаги чизик билан).

“GUVOHNOMA” ёзувидан 11 миллиметр қуйида 8 миллиметр оралиқда мукофотланадиган раҳбар ёки ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд қилиш учун учта чизик жойлаштирилган.

Куи чизикдан 6 миллиметр масофада марказ бўйлаб 2 миллиметр оралиқда уч қаторли матн жойлаштирилган. Матн “O’zbekiston Respublikasi Qishloq xo’jaligi vazirining” (шрифт “Times new Roman Bolt”, кегль 10) ёзувдан иборат.

Сўнг 5 миллиметр қуйида 4 миллиметр оралиқда икки қаторли матн жойлаштирилган. Биринчи қатор “20\_\_ у. \_\_ \_\_\_\_\_dagi”, иккинчиси — “\_\_\_\_-sonli buyrug’iga asosan” (шрифт “Times new Roman Bolt”, кегль 10) ёзувларидан иборат.

Давомида 5 миллиметр қуйида марказ бўйлаб 5 миллиметр оралиқда уч қаторда матн жойлаштирилган. Биринчи қатори — “O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI”, иккинчиси – “QISHLOQ XO’JALIGI FIDOYISI” (шрифт “Times new Roman Bolt”, 12-кегль), учинчиси – “ko’krak nishoni bilan mukofotlandi” (шрифт “Times new Roman Bolt”, кегль 10) ёзувларидан иборат.

Чапда охирги сўзлардан 9 миллиметр қуйида 2 миллиметр оралиқда бир қаторда ёзув жойлаштирилган. Матн “VAZIR”: (шрифт “Times new Roman Bolt”, кегль 10) ёзувидан иборат.

“VAZIR” сўзидан кейин имзо учун 20 миллиметр узунликда чизик туширилган. Унинг остида “(Imzo)” ёзуви мавжуд. Унинг остида чап томонида мухр учун “М.О.” ёзуви мавжуд.